

Рамазон ойини қандай кутиб олмоқчисиз?



06:00 / 28.02.2025 1705

Абдуллоҳ ибн Масъуддан: «Сизлар Рамазон ойини қандай кутиб олардинглар?» деб сўрашди. У киши: «Бизнинг кишилар янги ойни муслмон биродарига нисбатан қалбида заррача адоват ва кек сақламаган ҳолда кутиб олар эди», дедилар.

Аллоҳим! Ўзингни гувоҳ қилиб айтамизки, биз ҳам қалбимизда халқингдан бирортасига зарра мисқолича ҳам адоват сақламадик.

Аллоҳим! Бандаларингдан бирортаси қалбида бизга нисбатан ҳам зарра мисқолича адоват сақламаслигини Сендан сўраймиз.

Аллоҳим, рўза тутишда, рўза кечаларида ибодатда қоим бўлишда, кўзни сақлашда ва тилни сақлашда бизга Ўзинг ёрдам бергин.